Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 30-iyun, seshanba, № 79 (3584)

Биз моддий томондан ривожланган мамлакатлардан балки ҳозирча бироз орқададирмиз, лекин маънавий жиҳатдан манаман деган давлатлардан ўтиб кетганмиз, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Ислом КАРИМОВ

ПИЛЛАКОРЛАРИМИЗ ЗАФАРИ

МАМЛАКАТИМИЗ ПИЛЛАКОРЛАРИ 26 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ПИЛЛА ТАЙЁРЛАБ, ЙИЛЛИК ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТИНИ АДО ЭТДИ.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бўлган пиллачиликда ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 15 ноябрдаги "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунда дастуриламал бўлаётир.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, бу йил пиллакорларимиз "Ипакчи-1", "Ипакчи-2", "Ўзбекистон-5", "Ўзбекистон-6" каби серҳосил, иқлим шароитимизга мос, касалликларга чидамли маҳаллий навлардан иборат 454 минг 600 қутидан зиёд ипак қурти уруғи парваришлаб, ҳар қутидан ўртача 57,6 килограммдан ҳосил олди.

Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Фарғона, Наманган, Навоий вилоятлари пиллакорлари биринчилар қаторида пилла етиштириш бўйича шартномавий режани ошириб бажарди. Каттақўрғон, Касби, Жарқўрғон, Қорақўл, Бешариқ, Норин, Хатирчи туманларида ҳар қути ипак қуртидан 60-67 килограммдан ҳосил олишга эришилди.

Яккабоғ туманидаги "Ҳидоятов Тоғай Ҳидоятович" фермер хўжалигида ҳар қути уруғдан 92, Каттақўрғон туманидаги «Бекзод» фермер хўжалигида 74, Жондор туманидаги "Шариф Қурбон" фермер хўжалигида 72, Фурқат туманидаги "Қудратулло" фермер хўжалигида 70, Жалақудуқ туманидаги «Зокиробод нияти» фермер хўжалигида 68, Пахтакор туманидаги «Нўъмон ота» фермер хўжалигида 67 килограммгача сифатли «кумуш тола» олинди.

Жорий йилда "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги пахта қабул қилиш пунктлари қошида ташкил этилган 196 ихтисослашган пиллахонада ҳам 22 минг 700 қути ипак қурти боқилди.

Мамлакатимиз пиллакорларининг бу муваффақиятида давлатимиз раҳбари томонидан пилланинг янги навларини яратиш ҳамда ипак толасининг сифатини халқаро стандартлар талаблари даражасига олиб чиқиш, уни замонавий бозор тамойиллари асосида сотиш, қайта ишлаш жараёнини ислоҳ қилиш устувор вазифа этиб белгилангани муҳим омил бўлди.

Шу билан бирга, кейинги йилларда мавжуд тутзорлар майдонининг кенгайиши, озуқа базаси мустаҳкамлангани, мавсумга малакали мутахассислар жалб этилиб, пиллакорлар учун зарур моддий-техник ресурслар ҳамда жиҳозлар ўз вақтида тўлиқ етказиб берилгани соҳадаги ютуқларда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, бу қимматбаҳо хомашё шаҳар ва қишлоқларимиз ободлиги, саноатимиз тараққиётида ўзига хос ўрин тутади. Бир тонна пилладан 350 килограмм ипак, 20 минг метр адрас, 13 минг метр атлас, ўнлаб бошқа турдаги маҳсулот тайёрланишини эътиборга олсак, эришилган ютуқ иқтисодиётимизнинг янада юксалишига хизмат қилиши аён бўлади.

Пилла қабул қилиш пунктларида иш қизғин бормоқда. Кейинги йил пилла ҳосилига тайёргарлик кўриш, мавжуд тутзорларга ишлов бериш, уларни зараркунандалардан асраш ишлари ҳам давом этмоқда.

ЎзА

МУНОСАБАТ

Мамлакатимизда мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик қадриятларни қарор топтиришда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бор.

Муҳтарам Юртбошимизнинг куни кеча Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида ҳам бу борадаги соҳа ходимларининг меҳнати эътироф этилган ҳолда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш, миллий журналистикамиз олдидаги энг долзарб масалаларга эътибор қаратилди.

ЭЪТИРОФ ФАОЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Қутловда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, ҳозирги вақтда нафақат ҳаёт, балки инсоннинг ўзи, унинг ички дунёси, ҳаётга муносабати ва талаби ҳам тубдан ўзгармоқда. Ана шундай кўпқиррали шароитда бугунги журналист, бугунги матбуотчи бу ҳақиқатни чуқур англаган тақдирдагина жамият ва халқ олдидаги бурчини тўла адо этган бўлади.

"Andijonnoma" ходими ва "Ishonch" газетасининг Андижон вилоятидаги мухбири сифатидаги фаолиятим давомида биз қалам аҳлига яратилган кенг имконият ва имтиёзларни ҳамиша ҳис этиб тураман. Жумладан, касб байрамимиз арафасида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол журналисти — 2014» республика кўрик-танловида совриндор бўлдим. Ёш ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кўрсатилаётган бундай эътибордан бошим кўкка етди. Ушбу эътироф Ватанимиз олдида турган улкан мақсадларни адо этишда, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш йўлида янада ғайрат билан меҳнат қилишга ундайди.

Миллий журналистикамизни ривожлантириш, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, унинг халқаро медиа маконда ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнини эгаллаши олдимиздаги долзарб вазифалар сирасига киради. Бу борада малакамизни ошириб бориш, чет тилларни мукаммал ўрганиб, замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш кўникмасини эгаллашимиз талаб этилади.

Виждон амри билан уйғоқ, огоҳ яшаш — давр талаби. Айнан шу масалада журналистлар зиммасига жуда катта масъулият, тўғрироғи, мажбурият юкланган.

Табрикда Президентимизнинг куюнчаклик билан "...маънавиятни асраш — аввало инсонийликни, инсоннинг ўзини асраш демакдир" дея айтган сўзлари барчамизни яна бир бор сергак ва фаолликка чорлайди. Негаки, маънавий дунёмизни, ўзлигимизни асраш, миллий қадриятларимизни ёш авлод онгига сингдириб бориш турли мафкуравий таҳдидларга қарши туришнинг энг оқилона йўлидир. Шундай экан, ҳамиша сергак турган ҳолда қаламимиз шай бўлиши, воқеа-ҳодисаларга тез ва холис ёндашиш, бунда, албатта, миллий манфаатларимиз, миллий ўзлигимиздан келиб чиқиб баҳо беришимиз, таҳлил этишимиз замон талаби ҳисобланади. Табрикда айтилганидек, "аввало тинч-осойишта ҳаёт, оила, эл-юрт ободлиги, ўз юрти, ўз Ватанига муҳаббат, ҳар қандай оғир синовлар қаршисида ҳам ўзини, ўзлигини йўқотмасдан, асл инсоний қиёфасини сақлаб қолиш, юксак маънавий қадриятларга садоқат билан яшаш" ҳар биримизнинг, айниқса, биз журналистларнинг огоҳ бўлиб яшашимиз ва ишлашимиз билан боғлиқ.

Президентимиз томонидан табрикда белгиланган вазифалар оммавий ахборот воситаларининг нуфузини ошириш ва журналист кадрларнинг ижтимоий мақомини юксалтиришга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг журналистларни доимо қўллаб-қувватлашга, ҳар томонлама ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканлигидан, соҳа вакилларини ўзига энг яқин ҳамфикр ва маслакдош деб билишидан яна бир бор фахр ҳиссини туйдим. Бу нафақат фаолиятимизни амалга оширишда катта куч бағишлайди, балки зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Йилнинг энг фаол журналисти — 2014»
республика танлови совриндори

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг "Фриденздорф Интернейшнл" халқаро хайрия ташкилоти томонидан имзоланган уч томонлама ҳамкорлик битимига асосан кўплаб соғломлаштириш тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Яқинда "Фриденздорф Интернейшнл" халқаро хайрия ташкилотининг бир гуруҳ шифокорлари Бухорога келишди. Улар вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларидан келган юз нафардан ортиқ бемор ҳамда ногирон болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Немис мутахассислари билан вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ортопедия бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор Алишер Икромов ҳамкорлик қилди.

— 9 ёшли набирам Азаматнинг бадани бахтсиз ҳодиса туфайли қаттиқ куйган эди, — дейди қорақўллик Аҳмад бобо Аҳмедов. — Германиялик шифокорларнинг ёрдами билан у анча тузалди. Бунинг учун шифокорларга миннатдорлик билдираман.

Бундай самимий дил изҳорларини бу ерга бемор фарзандини олиб келган кўплаб ота-оналардан эшитдик.

— Соғломлаштириш дастурига асосан ташкил этилган ушбу тадбир айни муддао бўлди, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Бухоро минтақавий филиали директори Муборак Аҳмедова. — Тиббий кўрик натижаларига кўра энг оғир деб топилган бемор болалар жорий йилнинг август ойида Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаниш учун 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатга жўнатилади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

ЁШ АВЛОДГА ЭЪТИБОР

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли Мирзо Улуғбек номидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида кенг қамровли қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, дам олиш маскани бутунлай янги қиёфа касб этди. Оромгоҳнинг тантанали очилиш маросими иштирокчилари ҳам бунга гувоҳ бўлишди.

Унда сўз олган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов мамлакатимизда ёш авлод камоли йўлида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида гапириб, ушбу хайрли иш ҳам бунга бир мисол бўлишини таъкидлади.

Тадбирда қатнашган ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева оромгоҳдаги бунёдкорлик ишлари билан танишиб, яратилган шароитларга ижобий баҳо берди. Маскан нафақат ўғил-қизларни соғломлаштириш, балки уларнинг ота-оналарини ҳам дам олдиришга хизмат қилиши мумкинлигини, бу ер турли тадбир ва анжуманлар ўтказиш учун қулай замонавий масканга айланганини эътироф этди.

(Давоми 4-саҳифада).

Сифатли тиббий хизмат >> 2

Синов яқин >> 3



2015-yil 30-iyun, seshanba, № 79 (3584), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМА ҲАЁТИ

ХОНАДОНЛАРГА НУР УЛАШИБ

Салкам 55 йил муқаддам иш бошлаган Тахиатош иссиқлик электр станцияси бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятининг бир қанча ҳудудларини электр қуввати билан таъминлаб келмоқда. Мустақиллик даврида барча соҳаларда кечаётган яратувчанлик, бунёдкорлик, ривожланиш каби жараёнлар ушбу жамоани ҳам четлаб ўтгани йўқ. Жорий йил инвестиция дастурига асосан станцияда жаҳон андозаларига жавоб берадиган иккита буғ қозонини қуриш назарда тутилмоқда. Умумий қиймати 710,2 млн. АҚШ доллари қийматидаги реконструкция ишларида Испания, Жанубий Корея каби олтита давлат иштирок этиш истагини билдирган. Лойиҳа амалга ошгач, 2020 йилга бориб ушбу мажмуа йилига 488,6 млн.м3 табиий газни тежаш имконига эга бўлади.

1127 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган жамоа ютуқларида касаба уюшма ташкилотининг салмоқли улуши бор, албатта.

— Аъзоларимиз манфаатларини кўзлаган ҳолда маъмурият билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориш муваффақиятларимизнинг асосий омили бўлмоқда, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Жуманазар Сапаров. — Жамоа шартномасининг бажарилиши йилига икки маротаба умумий мажлисда кенг таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бир иштирокчининг фикрини ўрганиб, фаолиятимизга холис баҳо берамиз.

Муҳими, меҳнат муҳофазасига риоя қилиниши, ишчилар саломатлигини авайлаб-асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ходимларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказишга эришилаяпти.

Энг муҳим жиҳат шуки, меҳнат низоларини ечиш комиссиясига шу кунга қадар ходимлардан бирорта ҳам шикоят аризаси келиб тушмаган. Бу эса жамоада соғлом муҳит барқарорлигидан дарак беради.

Ёшларни, айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Корхона қошида кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил қилиниб, қўшимча иш ўринлари яратилаяпти. 2014 йилда тикувчилик цехи очилиб, 8 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди. Ҳар йили камида 20 дан зиёд ёшлар жамоа сафига қўшилмоқда.

Мурожаатларни ўрганиб чиқиш малакали йўлга қўйилган бўлиб, уларга қисқа муддатда жавоб берилади. Жорий йил 24 нафар ишчига 5683,2 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилиб, 3 нафар ходимнинг отаонасига санаторийларга йўлланмалар тақдим этилди.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида фахрийларга ҳурмат бажо келтирилиб, турли-туман маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Корхонада узоқ йиллар меҳнат қилиб, айни пайтда қарилик гаштини сураётган 4 нафар пенсионерга моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар топширилиб, меҳнат фахрийсига сиҳатгоҳга бепул йўлланма берилди.

Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий турар жойларда ҳовли тўйларини ўтказиш ҳар бир уй бекасининг орзуси, албатта. Яқинда ишчи-ходимлардан 24 нафарига барча қулайликларга эга бўлган ана шундай уйларнинг калити топширилди.

Ўтган йили 7 нафар ходимнинг олийгоҳларда шартнома асосида таҳсил олаётган фарзандларига 89 млн. 93 минг 700 сўм миқдоридаги ўқиш пуллари тўлаб берилди.

Юртимизда жаҳон аҳлини ўзининг бетакрор ва тарихий ёдгорликлари билан ҳайратга солиб келаётган масканлар кўп. Яқинда нуронийлардан элликка яқинининг Хива шаҳрига бир кунлик сайёҳати уюштирилди.

Жамоа шартномасида белгиланганидек, ишчиларнинг меҳнат ҳақларига қўшиладиган ойлик ва йиллик даромадлари ҳам ортиб бормоқда. 2010 йилда ҳар бир ишчининг 12 ойлик маошига нисбатан олган қўшимча даромади 517 минг сўмни, 2014 йилда эса ушбу кўрсаткич 4725 минг сўмни ташкил этди. Бошқача айтганда, қўшимча даромадлар миқдори 4 йилда 9 баробарга ошди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника жиҳозларини сотиб олиш, яшаш жойларини таъмирлаб, шароитларини яхшилаш учун ходимларга 1 млрд. 290 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар берилди.

Меҳнаткашлар саломатлигини яхшилашда жисмоний тарбия ва ходимлар гимнастикаси муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ходимлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириб бориш мақсадида тез-тез мусобақалар ўтказиб турилади. Айниқса, футбол, волейбол, шахмат-шашка ва велоспортга қизиқувчилар кўп. Хотин-қизлар ўртасида ҳаваскор спортчилар сони охирги беш йил ичида 50 фоизга кўпайди. Мусобақаларга нафақат ишчи ходимлар, балки уларнинг оила аъзолари ҳам жалб этилмоқда.

Кези келганда, "Касаба уюшмалари — болаларга" акцияси доирасида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуролларини харид қилиш анъанага айланганлигини таъкидлаш лозим.

Корхона қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжаликларда жамоа ошхонаси учун арзон нархда сабзовот, чорвачилик ва балиқ маҳсулотлари етиштирилмоқда. Икки гектар майдондаги иссиқхонада йилига икки маротаба ҳосил йиғиб олинади. Ўтган йили 4,5 гектар майдондаги сунъий ҳавзада икки тонна балиқ етиштирилган эди. Жорий йилда ушбу кўрсаткични ўн тоннага етказиш режалаштирилган. Дарвоқе, соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган шароитларда меҳнат қилаётганлар учун чорвачилик хўжалигидаги сигирлардан соғиб олинаётган сутдан парҳезбоп таомлар тайёрланади.

Станция фаолияти билан танишар эканмиз, кўнгил ёруғлигига ҳеч нарса тенг келмаслигини дилдан ҳис этиб меҳнат қилаётганликларига амин бўлдик. Зотан, жамоа аҳли ўз меҳнатлари юртдошларимиз хонадонларига ҳар куни нур, чироқ ва зиё бўлиб кириб бораётганлигини яхши билади.

Ортиқбой МАМУТОВ,
"Ishonch" мухбири

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИСИ

"Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловининг Қашқадарё вилояти босқичида тақдим этилган янги лойиҳа ва инновацион ғоялар ўрганиб чиқилиб, қатор номинациялар ғолиблари аниқланди.

ИҚТИДОР ЭГАЛАРИ КЎРИГИ

Жумладан, "Энг фаол ёш архитектор" номинацияси бўйича вилоят архитектура бошқармаси етакчи мутахассиси Беҳзод Ғузоров биринчи, Ғузор қурилиш касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси Сирожиддин Қиличев иккинчи, "Ўзэлектромонтаж" МЧЖ мутахассиси Улуғбек Умбаров учинчи ўриндан жой олди.

"Энг фаол ёш дастурчи" номинациясида биринчи ўринга "Шўртангазкимё" мажмуаси ходими Зафар Турдиев, иккинчи ва учинчи ўринларга мос равишда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят бошқармаси бўлим бош мутахассиси Илҳом Алманов ва ТАТУ Қарши филиали кафедра ассистенти Шерзод Тўймуродов муносиб кўрилди.

"Энг фаол ёш олим" танловида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси Учқун Қодиров биринчи, Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси Гулбаҳор Тожиева иккинчи, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ассистенти Феруза Очилова учинчи ўринни эгаллади.

— Танловда картошка экиш учун тупроқни тайёрлайдиган комбинациялашган машинам билан қатнашдим, — деди танлов ғолиби Учқун Қодиров. — Ушбу техника тупроққа ишлов бериш ва уни экишга тайёрлашда самарали иш бажаради. Тупроқни емирилиш ва зичланишдан сақлайди. Меҳнат унумдорлигини ошириб, ёқилғи сарфини камайтиради. Эътиборли жиҳати, мазкур агрегат дастлабки дала синовларидан ўтказилди. Унга кўра тупроққа ишлов бериш машиналари сонини икки баравар, фойдаланиш харажатларини 31 фоизга, меҳнат сарфини 24 фоизга, ёқилғи сарфини 27 фоизга камайтирди ҳамда иш унумдорлигини 22 фоизга оширди.

Ўз мухбиримиз

ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят ташкилотларининг II конференцияси бўлиб ўтди. Дастлаб тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Равшаной Ғозиеванинг 2013 йил февраль ойидан 2015 йил июн ойигача бўлган даврда амалга оширилган ишлар ҳақидаги ахбороти тингланди.

МУЛОҲАЗАГА БОЙ

Маърузачи тармоқ ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, соғломлаштириш ҳамда маънавиятини юксалтириш, оммавий спортни ривожлантириш борасида эришилган натижаларга тўхталиб ўтди.

Маруза муҳокамаси юзасидан Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси Оқила Умрзоқова, Бўстонлиқ туманидаги 2-мактаб директори Ҳосила Йўлдошева, Оҳангарон туманидаги 15-МТМ касаба уюшма қўмитаси раиси Набира Туранова, тармоқ касаба уюшмаси Бўка туман кенгаши раиси Фурқат Нурматов ва бошқалар сўзга чиқиб, фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси IV қурултойи ҳамда Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг VI конференциясига делегатлар сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Равшан Самарбеков, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилов иштирок этди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

САМИМИЙ РУҲДА

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференциясида масъул ташкилотчи И.Бўриев ўтган даврда амалга оширилган ишлар хусусида маълумот берди.

Музокараларда сўзга чиққан Сирдарё туман кенгаши раиси Н.Жўраев, Ширин шаҳар ободонлаштириш бошқармаси назоратчиси М.Жумаева, "Сирдарёавтотеххизмат" МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси М.Акрамова ва бошқалар касаба уюшма фаолиятига оид фикр ҳамда таклифларини билдиришди.

Конференцияда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши қурултойи ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси конференциясига делегатлар сайлаш масалалари муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-шаҳар шифохонасида аҳолига сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

Терапия, ошқозон касалликлари, гематология, неврология, гинекология, лор, кўз касалликлари, жарроҳлик ва реанимация бўлимлари мавжуд бўлган 265 ўринли тиббиёт масканида 33 нафар шифокор ва 156 нафар ҳамшира меҳнат қилмоқда. Ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тиббиёт ускуналаридан фойдаланилади.

Суратларда: катта лаборант Нодира Сайфиддинова; Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-шаҳар шифохонасида.

ЎзА фотомухбири
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар

ТАДБИР

Оққўрғон туман давлат солиқ инспекцияси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши билан ҳамкорликда Президентимизнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш тўғрисида"ги фармони мазмунмоҳиятини аҳолига етказиш, тадбиркор ва мулкдорларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида тадбир ўтказди.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ИМТИЁЗ

Тадбирда таъкидланганидек, фармонга мувофиқ 2015 йил 1 июлдан микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик субъектларида эса кўпи билан уч йилда бир марта фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига асосан амалга оширилади. Молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни ўтказиш муддати 10 календар кунидан оширилмайди.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти бўйича режали текширишларда фақат сўнгги текширувдан кейинги давр қамраб олинади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўзғатилган жиноий ишлар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш субъект жалб этган адвокат иштирокида амалга оширилади. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўлаган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмаслиги ва у жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган.

Қодирали СУБОНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Оққўрғон туман кенгаши раиси,
Бекзод ЭРГАШЕВ,
Оққўрғон тумани ДСИ ходими

БОШЛАНҒИЧДА НИМА ГАП?

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

"Оҳангаронцемент" акциядорлик жамияти юртимиздаги илғор ишлаб чиқариш тармоқларидан бири саналади. Ўтган 5 йил мобайнида харидорларга 5,9 млн. тонна клинкер, 8,2 млн. тонна цемент, 6,1 минг тонна ўтга чидамли ғишт, 128,8 минг м/куб бетон маҳсулотлари етказиб берилди. Иқтисодий кўрсаткичнинг ўсиши меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айни пайтда меҳнат қилаётган 1200 нафар ишчи-ходим касаба уюшма аъзоси сифатида барча имтиёзлардан баҳраманд.

Корхонада 2013-2015 йиллар учун жамоа шартномаси тузилган бўлиб, ижро назоратининг изчил йўлга қўйилганлиги туфайли бекаму-кўст бажарилишига эришилмоқда.

Айниқса, корхонада ишчилар меҳнат муҳофазасини таъминлаш, улар учун хавфсиз ва қулай меҳнат муҳитини яратиш, шунингдек, ишлаб чиқаришда юз бериши мумкин бўлган жароҳатланишлар олдини олиш борасидаги зарур чора-тадбирлар амалга оширилгани таҳсинга лойиқ. Ходимлар учун дам олиш ва кийим алмаштириш хоналарининг ташкил этилгани, уларнинг кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлангани иш сифати ва самарадорлиги ошишида муҳим омил бўлмоқда. Бу йўналишдаги тизимли ишлар учун меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига йилига ўртача 778,2 млн. сўм, меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган битимга кўра 163,6 млн. сўм маблағ сарфланмоқда.

Ишчилар хавфсизлигини таъминлаш учун қатъий поғонали назорат йўлга қўйилган. Яъни, мавжуд цехлардаги аҳвол меҳнат муҳофазаси бўйича вакил томонидан ҳар куни текширувдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни тегишли тартибда бартараф этиш учун цех раҳбариятига муайян муддат белгиланади.

Касаба уюшма қўмитаси ҳар бир ходимнинг яшаш тарзи, оилавий шароити билан яқиндан хабардор. Улар қўмагида эҳтиёжманд ходимларга моддий ёрдам ажратилиб, байрамларда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилади. Ўтган йилда ҳам ходимлар ва уларнинг фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор тадбирларга қўл урилди. Жумладан, 2 ёшгача фарзанди бор 22 нафар, янги оила қурган 21 нафар ва фарзандли бўлган 85 нафар ишчи-ходимларга моддий ёрдам берилди. Камхарж кўп болали 20 нафар ишчига 20 бош қорамол ҳадя қилинди. Шунингдек, ходимларнинг фарзандларига Ўзбекистон давлат цирки, Локомотив болалар истироҳат боғи ва янги йил байрами томошаларига чипталар тақдим этилди. 1-синфга борадиган 103 нафар болага ўқув қуроллари, 1220 нафарига янги йил совғалари тарқатилди.

Ишчилар саломатлигини асраш, уларга биринчи ёрдамни кўрсатиш тиббиёт бўлими зиммасида. Ходимлар ҳар йили бир марта бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Шу билан бирга, мазкур бўлим зарур тиббиёт жиҳозлари билан таъминлангани боис ишчиларнинг амбулатор ва кундузги стационар шароитда даволаниши учун етарли имконият мавжуд.

Ишчи-ходимлар, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масаласи касаба уюшма қўмитаси ва маъмуриятнинг ижтимоий шериклик борасидаги асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўтган ҳисобот даврида 32 нафар ходим махсус тиббий марказларда даволанди. 1839 нафар ишчи Бўстонлиқ, Оҳангарон туманларидаги дам олиш масканларида уч кунлик дам олишда бўлди. Шунингдек, ижтимоий суғурта ва касаба уюшма бадаллари ҳисобидан санаторийларга 102 дона йўлланма олиниб, уларнинг 55 фоизи касаба уюшма маблағидан қопланди. Ўтган йилдан бошлаб, "Оқтош" санаторийсига корхона ҳисобидан 23 дона йўлланма ажратилди.

— Ишчилар имтиёзли йўлланмалар билан юртимизнинг турли гўшаларидаги хушҳаво масканларда дам олиш имконига эга бўлишмоқда, — дейди корхона савдо бошқармаси мутахассиси Маҳбуба Йўлдошева. — Шунингдек, тарихий обида ва қадамжоларга саёҳатлар ташкил этилаётир. Ўтган йил жамоамиздан 355 нафари Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлишди. Пенсионерлардан 30 нафари учун Тошкент шаҳрига сафар уюштирилди.

— 2000 йилдан буён цемент қадоқлаш ва ортиш участкасида ишлайман, — дейди Шуҳрат Ақбердиев. — Яқинда касаба уюшмаси кўмаги билан "Оқтош" санаторийсида саломатлигимни тикладим. Кучимга куч қўшилгандек бўлди. Биз каби ишчиларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан кўнглим тоғдек юксалди.

Жамият ҳудудида замон талаби даражасида жиҳозланган спорт зали ишлаб турибди. Бу ерда ходимлардан ташқари, уларнинг болалари ҳам шуғулланиш имконига эга. Ўтган йилнинг ўзида спортнинг 11 тури бўйича 13 та мусобақа ташкил этилиб, 743 нафар ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзолари иштироки таъминланди. Ғолиблар маъмурият ва касаба уюшмасининг совғалари билан тақдирланди.

— Қарс икки қўлдан чиқади, — дейди касабақўм етакчиси Муҳаммадали Дўстбоев. — Жамоанинг якдиллиги, қолаверса, иш берувчи билан ижтимоий шерикликда ишчиларга қулай меҳнат шароити яратилиб, мурожаатлар тезда ечим топаётгани намунали муҳитни шакллантиришга хизмат қилаётир. Касаба уюшмалари тизимидаги ўзгаришлар, берилаётган имтиёзлардан ҳар бир ходим манфаатдор эканини англаб етмоқда. Бу эса биз етакчиларнинг янада масъулиятни ҳис этиб, ғайрат билан фаолият юритишимизга туртки бўлади.

Ҳаво исиши билан юртимизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, қурилиш ишлари авж олди. Корхона ишчи-ходимлари ҳам бу хайрли юмушлардан четда қолмай, юрт ободлигига ҳисса қўшиш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда. Ҳаммасидан ҳам бунёд этилаётган йирик иншоотлар, кўрк очаётган файзли хонадонлар қиёфасига қўшилаётган муносиб ҳисса корхона аҳли ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

2015-yil 30-iyun, seshanba, № 79 (3584), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

“АБИТУРИЕНТ — 2015”

СИНОВ ЯҚИН

Айни кунларда республикамиз олий ўқув юртларига қабул жараёни қизғин тус олган. Таълим даргоҳларида бўлиб, ўқишга ҳужжат топшираётган йигит-қизлар билан суҳбатлашганимизда, уларнинг касбий фаолиятни эгаллашга бўлган иштиёқ ва қизиқиши анча юқори эканлигига гувоҳ бўлдик.



Маълумот ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015/2016 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ушбу ўқув йилида бакалавр таълим йўналишига 57907 нафар талаба қабул қилинади. Уларнинг 19120 нафари давлат гранти ва 38 787 нафари тўлов-контракт асосида таҳсил олади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳам талаба бўлиш истагидаги ёшлар билан гавжум. Институт қабул комиссияси томонидан уларнинг ҳужжат топшириши учун барча зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратилган. Яъни, абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш қоидалари, қабул комиссиясига оид меъёрий ҳужжатлар билан танишиш имкони яратилган.

Юртимизда темир йўл соҳасининг жадал ривожланаётганига барчамиз гувоҳмиз. Мустақиллик йилларида “Тошкент — Самарқанд”, “Тошкент — Бухоро” ва “Тошкент — Қарши” йўналишларида “Registon”, “Sharq” ҳамда “Nasaf” тезюрар поездлари қатновининг йўлга қўйилгани халқимиз кўнглидаги иш бўлди. Бу борадаги изланишлар самараси, айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан 2011 йилда “Тошкент — Самарқанд” йўналишида янги тезюрар — “Afrosiyob” поезди қатнови ташкил этилганида яққол кўзга ташланди. Темир йўл тизимида олиб борилаётган улкан иқтисодий ислоҳотлар ўз натижасини бераётгани, эришилаётган ютуқлар боис ёшлар ўртасида ушбу соҳага қизиқувчилар сони тобора ортиб бораётир.

— Ёшларнинг олий маълумотли бўлишга интилиши йил сайин кучаяётгани эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлайди, — дейди институт қабул комиссияси масъул котиби ёрдамчиси Дилфуза Эшмаматова. — Қабул жараёни бошланганидан буён абитуриентлар сони кундан-кунга ошиб бораётир. Шунингдек, ҳужжат топшираётган ёшларга институтимиз ҳақида, темир йўл соҳаси тўғрисида маълумот бераяпмиз.

Бу йил институтга 895 нафар талаба, жумладан, 294 нафари давлат гранти, 601 нафари тўлов-шартномаси асосида қабул қилинади. Ҳозирда бакалавр босқичида ўқиш учун 4 та факултетга 15 та йўналиш бўйича ҳужжат топшириш давом этмоқда.

— Темир йўл соҳасига қизиқишим боис, ушбу институтга ҳужжат топшириш ниятида келдим, — дейди самарқандлик Самандар Бойназаров. — Ўқишга кириш учун қизиқишнинг ўзи камлик қилади. Шунинг учун ҳам имтиҳон топширадиган фанларимни чуқур ўрганишга ҳаракат қиляпман. Келажакда мазкур соҳа бўйича етук мутахассис бўлиш ниятидаман.

Гулноза АБДУРАҲМОНОВА.
Нарзулла МАҲАМОВ олган сурат

НАВОИЙ ТОМОНЛАРДА

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР

Нурота ва Навбаҳор туманларида “Касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш, уларнинг иқтисодий билимларини ошириш” мавзусида семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ва Хотин-қизлар қўмитаси томонидан имзоланган қўшма қарорга мувофиқ ташкил этилган тадбирда битирувчилар ҳамда тадбиркорликни бошламоқчи бўлган хотин-қизлар имтиёзли кредит олиш йўл-йўриқлари билан батафсил таништирилди.

Шунингдек, иштирокчилар бу борадаги қонунчилик, оила бюджетини шакллантириш омиллари, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ жойларга замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш объектларини йўналтириш каби маълумотларга эга бўлишди.

Бандлик масаласига доир учрашувлар бошқа ҳудудларда ҳам уюштирилаётир.

Ҳусан РАЗЗОҚОВ

ЮРТ КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

Республикамизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Юрт келажаги” иқтидорли ёшлар танлови бу йил ҳам кўплаб ёш йигит-қизларга имконият эшикларини очиб берди.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 260 нафар иқтидор эгаси вилоят босқичида қатнашди.

Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази” кўргазмалар майдонида иштирокчилар архитектура ва интерер, шаҳарсозлик ва ландшафт дизайни бўйича яратган ишларини тақдим этишди. Ноанъанавий усул ва миллий йўналишларда ишланган, оригинал ғоявий ечимга эга бўлган лойиҳалар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний хулосасига кўра, 4 та йўналишдаги 11 та номинация бўйича 33 нафар йигит-қиз танловнинг Республика босқичида қатнашиш имконини қўлга киритди. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Мафтуна ИДИЕВА

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги “Ҳуқуқ билимдонлари” республика танловида навоийлик ёшлар муносиб иштирок этди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда ташкил этилган танловда ўқувчиларнинг билимлари 3 босқичли синовдан ўтказилди.

Якуний босқичда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган жамоалар таркибида 70 нафар ўғил-қиз тест, савол-жавоб ҳамда саҳна кўринишлари каби шартлар бўйича қизғин беллашди.

Танлов хулосаларига кўра, Навоий вилоятидан иштирок этган “Юксак маънавиятли авлод” жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди. Навбаҳор туманидаги 14- ва Кармана туманидаги 18-умумтаълим мактаблари ўқувчилари Гиёс Самадов, Мухлиса Эргашева, Маржона Рўзиқулова, Шаҳло Усмонқулова ҳамда Моҳинур Аъзамовадан иборат гуруҳнинг билимдон аъзоларига тан бермаган беллашувчилар қолмади.

Нигора РЎЗИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари тақроран қўйилади:

1. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси 51-уй манзилида жойлашган “ONIKS” акциядорлик жамияти тасарруфидаги, давлат мулклари бўлган ижтимоий инфраструктура объекти ҳисобланган Ошхона бино-иншооти.
Бошланғич нархи — 3 005 796 996 сўм.
Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 3420 кв.м.
Балансда сақловчи: “ONIKS” акциядорлик жамияти.
Фаолияти ихтисоси: Электроника саноати.

2. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси 51-уй манзилида жойлашган “ONIKS” акциядорлик жамияти тасарруфидаги, давлат мулклари бўлган ижтимоий инфраструктура объекти ҳисобланган Марҳамат кафеси бино-иншоотлари.
Бошланғич нархи — 353 440 291 сўм.
Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 422 кв.м.
Балансда сақловчи: “ONIKS” акциядорлик жамияти.
Фаолияти ихтисоси: Электроника саноати.

3. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси 51-уй манзилида жойлашган “ONIKS” акциядорлик жамияти тасарруфидаги, давлат мулклари бўлган ижтимоий инфраструктура объекти ҳисобланган Хрустал кафеси бино-иншоотлари.
Бошланғич нархи — 141 870 661 сўм.
Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони —168 кв.м.
Балансда сақловчи: “ONIKS” акциядорлик жамияти.
Фаолияти ихтисоси: Электроника саноати.

4. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси 51-уй манзилида жойлашган “ONIKS” акциядорлик жамияти тасарруфидаги давлат мулки бўлган умумий майдони 1778 кв.метрга тенг профилактория ва қоровулхона бино-иншооти ҳамда қўшимча аниқланган мол-мулклари.
Бошланғич нархи — 2 744 107 700 сўм.
Балансда сақловчи: “ONIKS” акциядорлик жамияти.
Фаолияти ихтисоси: Электроника саноати.

5. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Миробод кўчаси 9-“А” уй манзилида жойлашган, умумий майдони 1270 кв.метрга тенг бўлган 2 қаватли ертўлали маъмурий бино.
Бошланғич нархи — 2 864 866 845 сўм.
Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги “SUVLOYIXA” Бирлашмаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Лутфий кўчаси 18-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 1130,25 кв.метрга тенг бўлган 2 қаватли маъмурий бино ва иншооти.
Бошланғич нархи — 1 840 178 261 сўм.
Балансда сақловчи: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги “SUVLOYIXA” Бирлашмаси.
Фаолияти ихтисоси: Сув хўжалиги объектларини лойиҳалаштириш.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди, Нилуфар кўчасида жойлашган, умумий майдони 8226,25 кв.метрга тенг бўлган бино ва қўшимча аниқланган иншоотлар.
Бошланғич нархи — 10 224 190 903 сўм.
Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.
Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

8. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Чинобод кўчаси, 33-уй манзилида жойлашган, Давлат солиқ қўмитаси тасарруфидаги омборхона бино-иншоотлари.
Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:
Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 974,0 кв.м.
Бошланғич нархи — 1 005 610 395 сўм.
Балансда сақловчи: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

9. Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, “Сувчи” даҳаси, Роҳат кўчаси, «Истиқбол» маҳалласида жойлашган, Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги “Бектемир-Инвест” УК тасарруфидаги қурилиши тугалланмаган собиқ мактабгача таълим муассасаси бино-иншоотлари.
Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:
Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 1 851,0 кв.м.
Бошланғич нархи — 1 021 200 000 сўм.
Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги “Бектемир-Инвест” УК.
Фаолияти ихтисоси: ноишлаб чиқариш техник мақсаддаги кўчмас мулкни сотиш ва ижарага бериш.

10. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ибн-Сино мавзеси, 2-уй манзилида жойлашган, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги 2 қаватли савдо дўкони бино-иншооти.
Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:
Умумий майдони — 2 219 кв.м.
Бошланғич нархи — 2 846 746 221 сўм.
Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.
Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А” уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 17 июл куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А” уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 31 июл, 14-, 28- август, 14 сентябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечиқмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этишди:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун, паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А”-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!
Хизматлар лицензияланган.

"SPARTAK KONSALTING" МЧЖ риэлторлик ташкилоти томонидан бўлиб ўтган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер майдонлари сотилган очиқ аукцион савдолари натижалари 2015 йил 17,24 июн

т\р	Объект жойлашган манзили	Доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдони	кв.м.	Ер майдони минимал қиймати	Сотилиш нархи
	ЖОНДОР ТУМАНИ				
1.	Жондор туман Мустақиллик ҚФЙ, Жуйсафед аҳоли пункти ҳудудидан	«Якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган 1-сон ер участкаси»	400	486 720	1 000 000
2.	Жондор туман Мустақиллик ҚФЙ, Жуйсафед аҳоли пункти ҳудудидан	«Якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган 2-сон ер участкаси»	400	486 720	1 000 000

Манзил: Бухоро ш. Мустақиллик кўчаси 12 уй. Лицензия: серия RL 001 рақами RR 0079

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган умумий майдони 293 кв.метрга тенг бўлган бир қаватли бино ва ертўласининг бир қисми.
Бошланғич нархи – 654 105 900 сўм.
Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.
Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

2. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 1-“А” уй манзилида жойлашган бир қаватли бинонинг 154 кв.метрга тенг бўлган ертўла қисми.
Бошланғич нархи — 315 086 600 сўм.
Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шимолий Олмазор ва Мискин кўчаларида жойлашган умумий майдони 13986 кв.метрга тенг қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш бино-иншоотлари.
Бошланғич нархи — 5 859 402 900 сўм.
Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси.
Фаолияти ихтисоси: Қурилиш назорати.

Савдо ташкилотчиси: “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А” уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 3 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А” уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 17, 31 август, 15, 29 сентябр, 14, 28 октябр, 11, 25 ноябр, 10, 24 декабр, 2016 йил 8, 22 январ, 5 феврал кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А” уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!
Хизматлар лицензияланган.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИККАТИГА !

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:
“Фарғона вилояти Фарғона шаҳар вилоят Ички Ишлар Бошқармаси ҳудудидаги автомобил туриш жойи биносини мукаммал таъмирлаш”.
Бошланғич нархи — **122 237 017 сўм ҚҚС сиз ва 146 684 420 сўм ҚҚС билан.**
Муддати — **45 кун.**
Қурилиш-монтаж ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Манзил: Фарғона шаҳар, А.Навоий кўчаси, 13-уй тел. (373) 244-05-48, факс 244-31-62.
Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови 100%.
Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй, телефон/факс: (373)244-68-90, 98/276-25-48.
Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин (куни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади), *Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36- уй* манзилда ўтказилади.
Хизматлар лицензияланган.

К ВНИМАНИЮ ВСЕХ СТРОИТЕЛЬНО-ПРОЕКТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ НЕЗАВИСИМО ОТ ФОРМЫ СОБСТВЕННОСТИ!

Инжиниринговая компания «Службы Единного Заказчика» Андижанского областного хокимията

Для участия в конкурсных торгах по выполнению проектно-изыскательных работ по объекту:

Реконструкция существующих зданий дома-интерната «Саховат» и нового строительства по ул. Огахий №3 в г. Андижане Андижанской области

Стартовая стоимость (с НДС) — **164 222 600 сум.**
Стартовая стоимость (без НДС) — **136 852 166 сум.**
Срок проектирования — **40 дней.**
Заказчик: Инжиниринговая компания «Службы Единого Заказчика» Андижанского областного хокимията
(Город Андижан, проспект А.Навоий 45, Тел (998 74) 223-08-28,)
Финансирование осуществляеться: За счёт выделенных средств государственного бюджета.
Предприятия и организации, выступившыи в качестве претендентов должны соответствовать следующие квалификационным требованием: наличие соответствующих лицензий на выполнение проектно-изыскательных работ, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ, (услуг), обладать опытом работы на объектах аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.
Для участия в торгах и приобритения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга: **Андижанский областний территориальний консалтинговоий центр по организации конкурсных торгов и ценообразования в строительстве,** по адресу: **город Андижан пр. Навоий 30. Тел: 0 374 223 57 05.**
Стоимость одного комплекта пакета: **100 000 сум.**
Оферты принимаются организатором торгов **Андижанский, областным территориальным консалтинговим центр по организации конкурсных торгов и ценообразования в строительстве по адресу: город Андижан пр. Навоий 30.**
Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.
Вскрытие оферт состоится не менее через 30 дней после опубликования объявления в здании Андижанского областного территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов и ценообразования в строительстве по адресу: город Андижан пр. Навоий 30.
Услуги лицензированы.

2015-yil 30-iyun, seshanba, № 79 (3584), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

МУТАХАССИС МИНБАРИ

ҚАЕРДА ЧЎМИЛИШ МУМКИН?

Ёз мавсумида чўмилиш ҳавзаларида аҳоли ва болалар хавфсизлигини таъминлаш Фавқулодда вазиятлар бошқармаси мутахассисларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ҳавзалар атрофида қутқарув постлари ташкил этилиб, қутқарувчилар зарур анжомлар, техника воситалари билан таъминланган.

Мавсумда болалар соғломлаштириш оромгоҳларида кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси мутахассислари томонидан чўмилиш ҳавзалари мавжуд оромгоҳлар тўлиқ текширувдан ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бўйича далолатномалар тузилиб, масъул ходимларга ёзма кўрсатмалар берилди ва амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, санаторий ва дам олиш уйларида масъул ходимлар, дам олувчилар билан семинар-тренинглар ўтказиб борилмоқда.

Оромгоҳлар, дам олиш, соғломлаштириш муассасалари маъмуриятига ёз мавсумида сувда чўкиш ҳолатларининг олдини олиш учун қуйидаги қоидаларга қатъий амал қилишни тавсия этамиз:

- барча оромгоҳларда болаларни ҳавзада чўмилиш қоидалари билан таништириш;
- ҳокимликлар ҳамда фавқулодда вазиятлар ташкилотлари хизматлари билан ҳамкорликда жойларда аҳоли билан мавзу юзасидан суҳбатлар ташкил этиш;
- сув сифати махсус лаборатория текшируви ва назоратидан ўтказилмаган, биринчи тез тиббий ёрдам постлари ташкиллаштирилмаган, махсус қутқарув жиҳозлари билан жиҳозланган мавсумий қутқарув постлари мавжуд бўлмаган ҳолатларда оммавий чўмилиш ҳавзаларини ишлашини тақиқлаш.

Оммавий дам олиш ва чўмилиш жойлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- соҳил ҳудудида кийим алмаштириш хонаси, ҳожатхона, салқин жой ҳамда тоза ичимлик суви бўлиши;
- хавфсизлик чораларини кучайтириш, дам олувчиларга ўз вақтида маълумот етказиш учун радиоузаткичлар билан жиҳозланган бўлиши;
- чўмилиш ҳавзаси ҳудуди чегараси қизил ёки оловрангдаги тасмалар билан ажратилиши;
- соҳил билан ҳавзанинг чўмилиш учун ажратилган ҳудуди чегараси 50 метрдан, сувнинг чуқурлиги кўпи билан 1.7 метрдан ошмаслиги;
- чўмилиш тақиқланган ҳудудлар «Чўмилиш тақиқланади», хавфли ҳудудлар «Хавфли» каби ёзувли белгилар билан жиҳозланиши лозим.

Шу билан бирга, дам олувчиларга хизмат кўрсатадиган катер, катамаран ва скутерчиларнинг хавфсизлик қоидаларига амал қилиши бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Зеро, инсон ҳаёти, унинг хавфсизлиги ҳар нарсадан устундир.

Гулмира АРИПОВА,
Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўлими мутахассиси

ЁШ АВЛОДГА ЭЪТИБОР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қайд этиш жоиз, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган 4 миллиард 249 миллион сўм маблағ ҳисобидан тўртта бир қаватли ётоқхона биноси, оромгоҳ дарвозаси, ўтиш жойи, тиббиёт маркази биноси, бешта икки қаватли ётоқ корпуси, бассейн, кирхона, спорт майдони, душхона, оромгоҳ ҳудудидаги йўл ва йўлаклар, ошхона ва маъмурият биноларида капитал реконструкция ишлари бажарилди. Дам олувчилар учун 1 миллиард 444 миллион сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар келтирилди.

Дам олиш масканига касаба уюшмалари Федерацияси совғаси сифатида замонавий кондиционерлар тақдим этилди. Оромгоҳ бошлиғи Ўткир Муҳаммадиевга рамзий калит топширилди.

Ўз навбатида, қурилиш-бунёдкорлик ишларини олиб борган "Омадсервисқурилиш" МЧЖ вакиллари ҳам эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Баҳодир Қодиров, "Нуроний" жамғармасининг Яккабоғ туман кенгаши раиси Сезон Тўраев ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши йўлида олиб борилаётган одилона сиёсатни эътироф этишди.

Оромгоҳда дам олаётган ўғил-қизлар ижросидаги куй-қўшиқ ва рақслар, ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари тадбирга файз бағишлади. "Моҳир қўллар" ва "Ёш мусаввирлар" тўгараги аъзолари тайёрлаган кўргазма ҳам йиғилганларга манзур бўлди.

Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

ОРОМГОҲДА ЯЙРАР БОЛАЛАР

Олтинсой туманидаги "Катта Вахшивор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Мироб" оромгоҳи болаларнинг севимли дам олиш маскани ҳисобланади. Айни вақтда бу ерда 200 нафар ўғил-қиз мириқиб ҳордиқ чиқармоқда.

Оромгоҳда тонг саҳардан болажонларнинг шўх-шодон кулгиси янграйди. Бадантарбия билан бошланувчи машғулотлар кечки дам олиш концерти билан ниҳоясига етади. Айниқса, Ҳисор тоғ тизмаларига, Сўфи Оллоёр, Хўжаипок ота қадамжоларига уюштирилаётган саёҳатлар дам олувчиларга бир олам таассурот улашмоқда. Футбол, волейбол, баскетбол, югуриш, сакраш, шахмат, шашка мусобақалари, "Ким билағон?", "Ким кўп эртак айтади?", "Биз буюк юрт фарзандларимиз" каби кўриктанлов ва кўнгилочар ўйинлар, ҳар хил викториналар болажонларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга, саводхонлиги, билимдонлигини оширишга хизмат қилаётир.

— Мавсум давомида 800 нафар болани дам олдирамиз. Етарлича озиқ-овқат захираси яратилган, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун барча шароит мавжуд. Инглиз тили тўгараги фаолият юритяпти. Ётоқхоналаримиз қайта таъмирдан чиқарилган, — дейди оромгоҳ директори Бахтиёр Азизов.

Рустам ДАВЛАТОВ,
"Ishonch" мухбири

ТУРИЗМ

САМАРҚАНДГА САЁҲАТ



Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Ўзфармсаноат» ДАК тизимидаги корхоналарда ишловчи 40 нафар ходимнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Саёҳатчилар дастлаб Имом ал-Бухорий мажмуасида бўлиб, мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишди. Улуғбек расадхонаси, Хўжа Дониёр зиёратгоҳи, Шоҳи Зинда ансамбли, Гўри Амир мақбараси, Бибихоним масжиди, Регистон майдони ва шаҳардаги замонавий иншоотлар уларда бир олам таассурот қолдирди.

— Саёҳат жуда мазмунли ўтди, — дейди «Ўзфармсаноат» ДАК касаба уюшма қўмитаси раиси Холида Галиева. — Самарқанднинг кўҳна обидалари, қолаверса, кенг ва равон кўчалари, хиёбонлар ва бошқа замонавий иншоотлар кишини ўзига мафтун этади.

Баҳром ҚУВВАТОВ,
тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши етакчи мутахассиси

ҚИССАДАН ҲИССА

Муборак Рамазон ойининг файзидан кўпчилик баҳраманд бўлишни, баъзилар шу баҳона турли зарарли иллатлар, жумладан, маст қилувчи ичимликлар ичишдан тамоман воз кечишни ният қилади. Таассуфки, ҳамма ҳам бу ишни уддалай олмайди. Бунга рўкач сифатида нодонлик билан айтиладиган "асос"лардан бири: "Бу нарсанинг ўзи ҳалол, кайфи ҳаром. Ахир бу нарса ҳалол маҳсулотлардан тайёрланади", қабилидаги гаплардир. Ушбу сўзларни ўзларига "қалқон" қилиб олувчиларга қуйидаги мўъжаз ҳикоят жавоб бўла олади.

МАНТИҚЛИ ЖАВОБ

Бир сархуш Илёс ибн Муовия ҳазратларининг олдига келиб:

— Эй Илёс, бир оз узум есам, менга бирор зарарли таъсири бўладими? — деб сўрабди.

— Йўқ.

— Узумдан сўнг бир оз кулча ўти есам-чи?

— Ҳеч қандай зарари йўқ, ейишинг мумкин!..

— Буларнинг устидан бир миқдор сув ҳам ичсам, бўладими?

— Албатта!

Сархуш бу жавоблардан хурсанд бўлди:

— Бу санаб ўтганларим бирлашса, мукаммал шароб бўлади. Уларни ошқозонимнинг ичида бирлаштириш ҳаром бўлмайди-ю, ошқозонимга тушмасдан бирлаштириш нега ҳаром бўлар экан?

Илёс ибн Муовия кулимсиради, ердан бир ҳовуч тупроқ олиб, сархушга савол берди:

— Сенга бу тупроқни отсам, бирор ерингга зарар етадими?

— Йўқ.

— Кетидан бир ҳовуч сув сепсам, жонинг оғрийдими?

— Йўқ.

— Сени мана шу ҳолда иссиқда кутдирсам, изтироб чекасанми?

— Йўқ.

Илёс ибн Муовия давом этди:

— Тупроқни, сувни, иссиқни бирлаштириб бошингга отсам... қандай бўларкин?

Сархуш бу сўзларни эшитгани заҳоти икки қўли билан бошини ушлаб бақира бошлади:

— Вой бошим, вой бошим!

— Бошингга ғишт отмаган бўлсам, нега бақирасан?

— Ғишт отмадинг, лекин айтганларинг бошимга отилган ғиштдан-да оғир зарба берди! — деди.

Хулоса эса ҳар кимнинг ўзига ҳаволадир.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

Диққат, танлов!

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган **"Йилнинг энг фаол ёш журналисти"** республика танловини эълон қилади.

Танлов республика оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда таҳририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган журналистлар ўртасида **телевидение, радио, матбуот, фото, интернет-журналистика** йўналишларида ўтказилади.

Танловга ижодий ишлар 2015 йилнинг 1 ноябрига қадар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман ва шаҳар кенгашларида қабул қилинади.

Батафсил маълумотларни (0-371) 241-02-72, 241-00-50 телефон рақамлари ёки ***www.kamolot.uz*** сайтидан олиш мумкин.

Диққат, танлов!

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Фанлар академияси, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази

Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш;

медиамаҳсулотларнинг кенг тарқалган тури — видеороликлар ёрдамида мамлакатимизнинг туризм салоҳияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

ёшларда юртимиздаги бунёдкорлик ва янгиланишларга нисбатан фахр туйғуларини шакллантириш;

миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодларга етказиш мақсадида **"Янги нигоҳ"** видеороликлар танловини эълон қилади.

Танловга ижодий ишлар 2015 йилнинг 1 сентябрига қадар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман ва шаҳар кенгашларида қабул қилинади.

Батафсил маълумотларни (0-371) 241-02-72, 241-00-50 телефон рақамлари ёки ***www.videotanlov.uz*** сайтидан олиш мумкин.

Диққат, танлов!

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси

Ахборот-коммуникация технологиялари ва миллий интернет сегментини ривожлантириш соҳасида фаолият юритаётган ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган "MIT.uz" – миллий интернет танловини эълон қилади.

Танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган веб дастурчи ва дизайнерлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов қуйидаги номинацияларда ўтказилади:

– Ўзбекистоннинг бой маданияти ва санъати, тарихи ҳамда истиқлол ғоялари ва маънавий қадриятлари акс этган энг яхши сайт;
– "Кексаларни эъзозлаш йили" мазмунига доир энг яхши сайт;
– Маҳалла, қишлоқ ва шаҳарлардаги фаровон ҳаёт акс этган энг яхши сайт;
– Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти акс этган энг яхши сайт;
– Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти акс этган энг яхши сайт;
– Энг яхши янгиликлар сайти.

Танловга аризалар 2015 йилнинг 1 сентябрига қадар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман ва шаҳар кенгашларида қабул қилинади.

Батафсил маълумотларни (0-371) 241-02-72, 241-00-50 телефон рақамлари ёки ***www.MIT.uz*** сайтидан олиш мумкин.

"MIT.uz" — соғлом ахборот муҳити сари.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **20:40**
Topshirildi — **21:30**
1 2 3 4 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma 1 — 615.
18921 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133